# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2002 йил 18 декабрь, №274 (3102) Чоршанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 декабрь куни Россиянинг "Газпром" очиқ турдаги акциядорлик жамияти бошқарув раиси Алексей Миллерни қабул қилди.*



— «Газпром»дек йирик компания билан ҳамкорлик Ўзбекистонга ҳам, Россияга ҳам катта фойда келтиради, — деди учрашувда Ислом Каримов.

Дарҳақиқат, «Газпром» дунёдаги йирик компанияларнинг бири ҳисобланади. Жаҳондаги қазиб олинаётган табиий газнинг 20, Россияда эса 94 фоизи ушбу компания улушига тўғри келади.

«Газпром»нинг муассиси Россия Федерацияси ҳукумати ҳисобланади. Компаниянинг 38,5 фоиз акцияси давлатга тегишли. Шунингдек, ярим миллиондан ортиқ жисмоний шахс компаниянинг акционеридир. «Газпром» корхоналарида 300 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади.

Мазкур компания бутун бошли технологик жараённи, ўнлаб корхона ва компанияларни ўзида бирлаштирган. Уларда газ қазиб олиш, газ, нефт ва конденсатни қайта ишлаш ҳамда ушбу жараён учун зарур техника, саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ҳамда халқ эҳтиёжи учун зарур товарлар ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, «Газпром» экспорт қилаётган табиий газ Ғарбий Европанинг 33, Шарқий Европанинг 80 фоиз эҳтиёжини таъминламоқда.

«Газпром» «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан ҳам анчадан буён ҳамкорлик қилиб келади. «Газпром» бошқаруви раисининг юртимизга ташрифи эса мавжуд ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган.

Хусусан, мамлакатимизда газ қазиб олиш, сотиш ҳажмини ошириш, газ транспорти тизимини ривожлантириш, ушбу соҳага сармоя жалб қилиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг газ саноати соҳасида кечаётган хусусийлаштириш жараёнида «Газпром»нинг фаол иштироки ана шундай ҳамкорлик сирасига киради.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мамлакатимиз газ саноатини ривожлантиришда катта аҳамият касб этиши таъкидланди. Бу борада истиқболли қўшма режалар ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга жорий қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

**(ЎзА).**

СУРАТДА: қабул пайти.
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

*Кеча Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтида «Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг илмий-амалий асослари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.*

## Аграр соҳа: НАТИЖА, ХУЛОСА, ТАКЛИФ

Уни Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н. Юсупов олиб борди. Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси, Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш республика комиссияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти томонидан ўтказилган анжуманда агросаноат мажмуига кирувчи вазирлик, қўмита, компания, корпорациялар, илмий-тадқиқот институтлари, соҳага молиявий хизмат кўрсатувчи банклар, шунингдек, жойлардан таклиф этилган туман ва хўжаликлар раҳбарлари иштирок этди. Шу билан бирга, конференцияда айрим хорижий давлатлар элчихоналари ва жаҳондаги йирик халқаро молиявий муассасалар вакиллари ҳам қатнашди.

Ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, соҳани тараққий эттиришга ғамхўрлик қилиб келмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ халқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар мазкур соҳада бошланганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Мулкчиликнинг иқтисодий самара берадиган, тажрибада ўзини оқлаган шакллари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу бежиз эмас, албатта. Боиси – мамлакатимиз халқ хўжалигининг 70 фоизи ушбу тармоқ билан бевосита боғлиқ ва қишлоқ жойларида аҳолининг 60 фоиздан кўпроқ қисми истиқомат қилади. Алоҳида таъкидлаш керакки, изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Маҳсулотларнинг 99 фоиздан ортиғи давлатга қарашли бўлмаган секторда ишлаб чиқарилаяпти. Пахта ва ғалладан ташқари етиштирилаётган барча хомашёнинг нархи эркинлаштирилди.

Президентимиз ташаббуси билан 1997 йили Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш республика комиссияси ташкил этилди. Соҳада ялпи маҳсулот

(Давоми 2-бетда).

Мустақиллик – олий неъмат

# Ўзбекистон – машинасоз давлат

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида қилган маърузасида мамлакатимиз эришган мустақилликни "олий неъмат" деб таърифладилар. Мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаб бориш биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад бўлиб қолишини алоҳида таъкидладилар.

Мана, ўн бир йилдан ошяптики, биз мустақиллик шароитида озод, эркин яшаяпмиз, Ватанимизнинг ривожланиш йўлларида мустақиллик қуёши нур сочиб турибди. Президентимиз мустақилликни "олий неъмат" деб таърифлар экан, бу таърифнинг асосида халқимизнинг тақдирига тааллуқли чуқур ва ёрқин ҳаётий маънолар ётишини бугун ҳар биримиз ўзимизча қалбдан чуқур англаймиз.

Мустақиллик, дарҳақиқат, энг аввало бизга ўз тақдиримизни ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқини берди, келажагимизни ўз қўлимиз билан ўз орзу-ҳавасларимизга кўра барпо этиш бахтини муяссар этди, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятига эга қилди. Мустақиллик Ватанимиз қудратини, халқимиз салоҳиятини барқ уриб гуллаб-яшнатиш йўлларини очди.

Биз мустақиллик олий неъмат эканлигини ҳар нафасда ва ҳаётимиздаги ҳар бир янги қувонарли натижалар тимсолида қайта-қайта ҳис этаяпмиз.

Мана, бир воқеа.

Яқинда телевидениемизнинг "Ахборот" кўрсатуви орқали бир хушхабарни эшитиб қолдим. Украина ҳукумати Самарқанд шаҳридаги "СамКочавто" заводига шу ерда ишлаб чиқарилаётган "Отайўл" маркали микроавтобусдан 800 тасини харид қилиш учун буюртма берибди. Бу янгилик кишини қувонтиради. Нега? Маълумки, яқин ўтмишда Ўзбекистон Украинанинг Львов шаҳридан автобуслар, Харьков шаҳридан тракторлар олар эди. Ўзбекистон аҳолиси қизил салтанат бошқарувининг иродаси билан яккаш аграр ўлкага айланган эди.

Мустақиллик ер бағирлаб ётган Ўзбекистонга қанот берди. Уни юксалишнинг кўкларига кўтарди. Мамлакатнинг бағрида иқтисодиётнинг маҳобатли марказлари бунёдга келмоқда, у аграр ўлкадан кўпқиррали агросаноат диёрига айланмоқда. Бугун Ўзбекистон фақат пахта ипак, сабзавот, мева каби неъматларнигина эмас, кимё, тўқимачилик, енгил саноат маҳсулотларини, айрим дори-дармонларини, осма укол учун системаларини, бир марталик шприцларини ҳам яқин ва узоқ-мамлакатларга экспорт қила бошлади.

Яқинда шифохонада бир муддат даволаниб чиқдим. Бозор иқтисоди даври эмасми, айрим дори-дармонлар ва тиббий буюмларни ўзим олиб келишимга тўғри келди. Мен нима демоқчиман? Мени даволаган тиббий ҳамширалар: "осма укол учун система олсангиз, албатта, ўзимизда ёки Германияда ишлаб чиқарилганидан олинг. Бир марталик шприц ҳам ўзимизда чиқарилаётгани яхши, игнаси тўмтоқ эмас. Кейин ишончли қадоқланган, тоза, бегидир" деб тайинлашди.

Тиббиёт мутахассисларининг бу гапларини эшитиб, тўғриси, ичимдан қувондим. Ахир бу қизлар ўзимизда ишлаб чиқарилган осма укол системасини, шприцларни яхши, деяпти. Ваҳоланки, яқин-яқингача "импортной" бўлсин, деб туришарди. Демак, тиббиёт соҳасида ҳам ташқи, ҳам ички бозорда рақобатга чидайдиган маҳсулотларимиз пайдо бўляпти. Бу — кечаги аграр ўлка эришаётган катта маданият, юксалиш, парвоз белгилари эмасми?!

Қарангки, кеча биз машинасини, тракторини сўраган Украина бугун Ўзбекистоннинг автомобилларига ҳавас қилиб, буюртмалар беряпти. Қувонмай, ғурурланмай бўладими?

Бугун Ўзбекистон саноати, ишлаб чиқариши энг яхши, энг илғор технологиялар билан қуролланмоқда. Уларни бошқариш автоматлаштирилмоқда ва компьютерлаштирилмоқда. Бундай имкониятлар эса мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини юксак халқаро андозалар даражасига кўтаради, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади. Пировардида, ватанимизнинг экспорт салоҳияти янада кучайиб бораверади.

Бундай юсалишларга эришаётганлигимизнинг бош омили нима? Шак-шубҳасиз, бош омил — мустақилликда яшаётганимиз ва мустақилликда, эмин-эркин ривожланаётганимиздир.

Бундай юксалишларга бизни бошлаётган мустақилликни олий неъмат демай яна нима дейиш керак?!

**Михли САФАРОВ.**

# ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ: МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАР

Президентимиз Ислом Каримов таклифига мувофиқ 2003 йил "Обод маҳалла йили" деб эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг X сессиясида сўзлаган нутқида ҳам маҳалланинг жамиятимиздаги мавқеини янада ошириш, ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш хусусида алоҳида тўхталди.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан маҳалла тизими ривожига давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Юртбошимиз Фармони билан "Маҳалла" хайрия жамғармасининг ташкил этилиши маҳалланинг анъанавий тарбия ўчоғи сифатидаги мавқеини янада оширди. Кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда янги маҳаллалар тузилиб, мамлакатимизда яшовчи бошқа миллат вакиллари орасида ҳам маҳаллага хос удумларнинг кенг ёйилаётгани қувонарлидир.

Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган "Обод маҳалла йили: мақсад ва вазифалар" мавзуидаги семинар-кенгашда ана шу хусусда гап борди. У Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ҳамда Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилди. Мазкур жамғарма раиси А.Гадойбоев бошқарган семинар-кенгашда пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, фаоллари, мутасадди вазирлик, идора, ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни кеча матбуотда эълон қилинган Фармойишига кўра маҳалланинг давлат ва жамоатчилик ҳокимияти ва бошқаруви тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим органи сифатида тутган ўрни ва ролини ошириш билан боғлиқ масалаларни амалий ҳал этиш зарурати инобатга олинган ҳолда "Обод маҳалла йили" дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси тузилди. "Обод маҳалла йили"га тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларнинг комплекс дастурини тайёрлаш комиссиянинг асосий вазифасидир.

Тадбирда ушбу комиссия раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов мазкур дастур маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимидаги энг муҳим тузилма сифатида тутган ўрни ва ролини янада юксалтиришга қаратилиши кераклигини таъкидлади.

Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳит масканидир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла аҳлининг хулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради. Тинчлик ва осойишталикни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга оиланинг фаровон ва ҳар томонлама ривожланишида, айниқса, ёш авлод тарбиясидаги ўрни беқиёсдир.

Тадбирда "Обод маҳалла йили"да амалга ошириладиган тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Семинарда Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, Д.Ғуломова, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## 2002 йил 28-29 декабрь шанба ва якшанба дам олиш кунларини 2002 йил 30-31 декабрь душанба ва сешанбага кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

2002 йил 28-29 декабрь шанба ва якшанба дам олиш кунлари 2002 йил 30-31 декабрь душанба ва сешанбага кўчирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 17 декабрь.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*
*ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясини сайлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

Файзулла Абдуллаевич Абдуазимов Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 13 декабрь.

# Терроризм — тараққиёт кушандаси

Янги асрда инсоният тинчлигига таҳдид солаётган глобал муаммолардан бири — терроризмдир. Кейинги воқеалар ривожидан кўриниб турибдики, ушбу иллатга қарши курашда бутун дунё аҳолиси якдиллик билан ҳаракат қилмоғи лозим. Ўзбекистон бу борада ҳар қандай давлат ва халқаро ташкилот билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Буни мамлакатимиз етакчиси Ислом Каримов хориж давлатлари раҳбарлари билан учрашувларида ҳам, халқаро анжуманларда ҳам бот-бот таъкидлаб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтида Германиянинг Фридрих Эберт жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Халқаро терроризм — Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликка таҳдид" мавзуидаги халқаро семинарда ана шу ҳақда гап борди. Унда мутахассислар, мамлакатимиздаги бир қанча хорижий элчихона ва ваколатхоналар вакиллари, сиёсатшунослар, журналистлар иштирок этди.

Анжуманда халқаро терроризм ва диний экстремизм, терроризмга қарши курашда халқаро тажриба ва қонунчилик асослари, БМТнинг халқаро терроризмга қарши курашдаги роли, терроризмнинг очиқ жамиятга таҳдиди ва унга қарши курашнинг жиноий-ҳуқуқий аспектлари билан боғлиқ мавзуларда маърузалар тингланди.

Сўзга чиққанлар терроризмдек иллатнинг тезроқ барҳам топиши учун дунё мамлакатлари янада жипсроқ ҳаракат қилишлари зарурлигига эътиборни қаратиб, бу таҳдидли ҳаракатни бартараф этиш борасидаги амалий чора-тадбирлар кўламини янада кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З.Ҳусниддинов сўзга чиқди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# Ўтмас матоҳ кимга керак?

Ҳозир, айниқса, харидорнинг диди баланд. Сифатли, пишиқ ва бежирим молни харид қилади. Агар бир жойда ўзига ёққанини тополмаса, уни бошқа ердан излайди. Майли, пули бироз қиммат бўлсин, лекин кўнгли истаганини олади. Бугунги харидорнинг танлаш имконияти ҳам ниҳоятда катта. Бозорлар ва дўконларимиздаги маҳсулотларни кўриб, кишининг кўзи қамашади. Боиси – республикамизга хориждаги машҳур компания ва фирмалар ўз моллари билан кириб келган.

Лекин тан олиб айтиш керак, кейинги пайтларда бозорларимизда сифатсиз, яроқсиз маҳсулотлар кўпайиб кетди. Мамлакатимизга чет давлатлардан ниҳоятда сифатсиз, таги-тайини номаълум молларни олиб келиб пуллашни одат қилган "тадбиркор"лар сони кўпайди. Афсуски, улар халқ, давлат манфаатини эмас, фақат ўз чўнтакларини ўйлашди.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги хабарлар

*Республика Байналмилал маданият марказида рассом А.Жибоедовнинг "Ўзбекистон – Ватаним маним" мавзуидаги кўргазмаси очилди.*

## «ЎЗБЕКИСТОН – ВАТАНИМ МАНИМ»

Мусаввирнинг кўргазмадан жой олган «Самарқанд. Гўри Амир», «Гап», «Бухоро», «Наврўз», «Ургутнинг кузги тераклари» асарлари санъат ихлосмандларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда.

**Замон ЭШОНҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Компьютер орқали эфирга узатиш

Кейинги пайтда Хоразм вилояти телевидениеси кўрсатувларининг сифати анча яхшиланди. Бунга маҳаллий телерадиокомпания аппаратларининг телесюжетларни монтаж қилиш учун мўлжалланган махсус компьютерлар билан жиҳозлангани туфайли эришилди. Ушбу асбоб-ускуналарни сотиб олиш учун эса маблағ вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилди.

## Ярмарка муваффақиятли ўтди

Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт соғломлаштириш мажмуасида озиқ-овқат маҳсулотларининг республика улгуржи савдо ярмаркаси якунланди. У Вазирлар Маҳкамасининг ярмарка савдосини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ ташкил этилди.

Ярмаркада "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг", "ЎзМадпарранда-холдинг" компаниялари, "Ўздонмаҳсулот" давлат акциядорлик корпорацияси, "Озиқовқатсаноат", "Ёғмойтамакисаноат", "Ўзпаррандасаноат" уюшмалари, "Ўзгўштсутсаноат" давлат акциядорлик уюшмаси, "Ўзбалиқ", "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув" акциядорлик компаниялари сингари икки юздан ортиқ ташкилот ва корхона томонидан 2003 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар намуналарига кенг ўрин берилди. Корхоналар ўртасида ўзаро маҳсулот етказиб бериш борасида кўплаб шартномалар имзоланди.

## Учинчи минг йиллик боласи

Мактабгача тарбия муассасалари фаолиятини такомиллаштириш Кадрлар тайёрлаш миллий дастури иккинчи босқичи вазифалари орасида муҳим ўрин тутади.

Нукусда "Учинчи минг йиллик боласи" дастури асосида ўтказилган семинар-кенгаш шу мақсадга қаратилди.

Семинар иштирокчилари мактабгача тарбия муассасаларида кейинги йилларда тўпланган илғор тажрибалар юзасидан фикр алмашди, Нукус туманидаги болалар боғчаларида бўлиб, амалий машғулотларда иштирок этишди.

**(ЎзА).**

Газетада босилмади, аммо...

# ЛИЦЕЙГА БИНО АЖРАТИШ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

***Сирдарёлик бир гуруҳ ота-оналар таҳририятимизга хат йўллаб, Гулистон тумани ҳокими қарорига кўра, фарзандлари таълим олаётган вилоят тасвирий ва амалий санъат лицейига «Шодлик» номли 11-болалар боғчаси биноси ажратилгани, бироқ халқ таълими бошқармасидагиларнинг қаршиликлари туфайли бу иш амалга ошмаётгани тўғрисида шикоят қилишганди. Биз ушбу мактубни, масалага ойдинлик киритишни сўраб, вилоят ҳокимлигига жўнатгандик. Яқинда қуйидаги расмий жавобни олдик:***

— Гулистон тумани ҳокимининг лицейни "Шодлик" болалар боғчаси биносига кўчириш ҳақидаги 2002 йил 18 мартдаги қарори вазият чуқур ўрганилмаган ҳамда юқори ташкилотлар билан келишилмаган ҳолда қабул қилинган. Негаки, мазкур болалар боғчаси халқ таълими тизимидаги энг намунали мактабгача тарбия маскани ҳисобланади. Унинг кадастр баҳоси 48,8 миллион сўмни ташкил этади. Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги вилоят тасвирий ва амалий санъат лицейи эса кадастр томонидан 5,4 миллион сўмга нархланган.

Ўқув ва тарбия муассасаси баҳоси ўртасидаги кескин фарқ ҳамда улар бошқарувнинг ягона тизимига кирмаслиги сабабли лицейни болалар боғчаси биносига кўчиришнинг имкони йўқ.



«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларига кўра, етарли асослар бўлмаса, таълим муассасалари йўналишларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Шикоят хатида кўтарилган масала ниҳоятда муҳимдир. Шу боис вилоят тасвирий ва амалий санъат лицейи учун йил охиригача талабга жавоб берадиган бино ажратиш ҳокимлик назоратига олинди.

**К. ОҚБЎТАЕВ,**
**Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари.**

# Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

2002 йилнинг 16 декабрь куни соат 11.30 да ўзбек дипломатларининг қаршиликларига қарамасдан, Туркманистон Миллий хавфсизлик вазирлигининг 15 ходими Ашгабаддаги Ўзбекистоннинг хорижий ваколатхонаси ҳудудидаги элчи қароргоҳи ва ходимларнинг турар-жойларига кирди.

Туркманистон махсус хизмат ходимлари бекиниб олган туркман фуқароларини қидириш деб ўзлари ўйлаб топган баҳона билан тинтув ўтказганлар. Бинода бегона кишилар топилмагач, улар билан бирга келган, туркман миллатига мансуб номаълум шахснинг кўрсатмаларини видеосуратга туширдилар. Гўёки, у шахс қачондир элчихонанинг турар-жой мажмуида яшаганини тасдиқларди.

Турар-жой мажмуаси ҳудуди айнан Туркманистоннинг махсус хизмат ходимлари томонидан доимий равишда қўриқланади. Шу муносабат билан у ерга бегона кишилар киришининг имкони йўқ.

Бу иғвогарлик акцияси олдиндан режалаштирилганини айни шу пайтда Ўзбекистон элчиси Турманистон Ташқи ишлар вазирлигига вазир билан суҳбатга чақирилганини далил қилиб кўрсатиш мумкин. Суҳбат давомида элчига ушбу мавзудаги ўзбек томонига ҳеч ҳам асосланмаган ва ўйлаб топилган айбловлар айтилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Туркманистон томонидан амалга оширилган бу ҳаракатларни Халқаро ҳуқуқ ҳамда дипломатик муносабатлар тўғрисидаги Вена конвенцияси низоми норма ва тамойиллари, шунингдек икки томонлама давлатлараро битимлар қўпол равишда бузилган, деб баҳолайди.

Туркманистон махсус хизмат вакилларининг Ўзбекистоннинг дипломатик миссиясига нисбатан ноқонуний ҳаракатлари муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Туркманистон Ташқи ишлар вазирлигига қатъий норозилик билдиради ва тегишли нота юборди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Туркманистон томонидан содир этилган воқеалар юзасидан кечиктирмасдан тушунтириш бериш, шунингдек айбдор шахсларни аниқлаш ва уларни жиддий жавобгарликка тортиш юзасидан аниқ чоралар кўришни талаб қилади.

Вазирлик шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормалари ва икки томонлама битимларга мувофиқ, Ўзбекистоннинг Туркманистондаги дипломатик миссияси ходимлари ва биноларининг хавфсизлиги ва дахлсизлиги кафолатини таъминлашни талаб этади.

*Тошкент, 17 декабрь 2002 йил.*

# Ўтмас матоҳ кимга керак?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тўғрисини айтсак, кўпчилигимиз усти ялтироқ, лекин сифатига ҳеч қандай кафолат йўқ маҳсулотларни харид қилишга кўникиб қолган эдик. Бозорларда на ишлаб чиқарилган корхона манзили, на давлат номи кўрсатилган, умуман ҳеч қанақа ҳужжати бўлмаган матоҳлар билан савдо қилиш одат тусига кирганди. Ўз ҳақ-ҳуқуқини сўраган истеъмолчининг сўзига қулоқ соладиган идоранинг ўзи йўқ, бўлса ҳам, унинг ваколат доираси ниҳоятда чекланган эди.

Мана, ҳукуматимиз қарорига кўра, бозорни сифатсиз, сертификати йўқ товарлардан ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилаётганига ҳам бир неча ой бўлди. Кўпчилик тижоратчилар ўз фаолиятларини қонун доирасида тартибга солиб олишди. Лекин буни тушунмаётган ишбилармонларнинг ҳамон борлиги афсусланарли ҳолдир. Республика Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаментидан олинган маълумотларга кўра, бундай нохуш ҳодисалар ҳамон учраб турибди. Баъзи кимсалар фақат ўз манфаатларини кўзлаб, сифатсиз, яроқсиз, ҳеч қандай кафолати йўқ маҳсулотларни яширин йўллар билан мамлакатимизга олиб киришга уринишмоқда. Улар миллион-миллион сўм қийматидаги ана шундай молларни, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, одамларга сотишга ҳаракат қилишяпти. Баъзи ҳолларда эса солиқни кам тўлаш мақсадида нақд пулни банкка топширмаслик ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Масалан, Андижон вилояти прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси мутахассислари жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида банкдан ташқарида уч миллиард 354 миллион 937 минг сўм ноқонуний нақд пул айланмалари мавжудлигини аниқладилар. Ушбу ҳолатларга нисбатан 255 та жиноят иши қўзғатилиб, 526 та маъмурий чора кўрилди. Умуман, давлат хазинасига ҳаммаси бўлиб 345,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ туширилди.

Вилоятда ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмаганноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган яширин цехлар мавжудлиги; улар томонидан тайёрланаётган буюмлар бозорларда бемалол сотилаётганлиги ҳам маълум бўлди. Ана шундай цехлардан 49 тасининг фаолиятига чек қўйилди. Шунингдек, 65 шохобчада ноқонуний равишда спиртли ичимликлар сотилаётганлиги аниқланиб, уларнинг 18 тасига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилмасдан, тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётган 25 фуқаро ушланди.

Шундай ҳолатлар ҳам мавжудки, гоҳида айрим божхона ходимларининг ўз хизмат вазифасига совуққонлиги натижасида баъзи кимсалар ноқонуний юкларини божхона масканларидан бемалол олиб ўтмоқда. Масалан, "Қорасув" божхона маскани орқали Қирғистон Республикасидан фуқаролар Н. Турсунова, М. Зайниддинова ва бошқалар умумий қиймати 2 миллион 928 минг 250 сўмлик ноозиқ-овқат маҳсулотларини божхона тўловларини тўламасдан олиб ўтганлиги аниқланди. Албатта, бунинг учун божхона ходимларига нисбатан чора кўрилди.

Биз бир вилоят мисолида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида тўхталдик. Бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш борасида республикамизнинг барча вилоятларида кенг кўламли ишлар олиб борилябти. Мазкур тадбирларни жойларда республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти билан биргаликда Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси ходимлари амалга оширмоқдалар.

Шу ўринда бир масалага тўхталиб ўтиш лозим, деб ўйлаймиз. Мазкур ишларни амалга оширишда унга бевосита дахлдор идоралар билан бирга, кенг жамоатчилик ҳам иштирок қилиши керак. Масалан, бозор, дўкон ёки бирон-бир тижорат шохобчасидан савдо қилаётганда маҳсулотнинг сифат сертификати, яроқлилик муддати, қаерда ишлаб чиқарилганлиги ва унинг бошқа ҳужжатлари билан қизиқиш зарур. Харидорлар яна бир муҳим омилга эътиборни қаратсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Айрим жойларда, айниқса, кўчаларда сотилаётган молларнинг нархи жуда арзон. Унинг, албатта, бирон-бир иллати бўлиши керак, акс ҳолда бунча арзон сотилмайди. Халқимизда "Арзоннинг шўрваси татимас", деган нақл бежиз айтилмаган, ахир.

Бир сўз билан айтганда, бозорлар ва савдо шохобчаларини сифатсиз, истеъмолга яроқсиз ва ҳужжати йўқ товарлардан тозалаш ишлари изчил давом этмоқда. Бу тадбир мавсумий эмаслигини сохта тижоратчилар эсдан чиқармасликлари зарур.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

Ўзбекистон Банклар ассоциациясида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг корпоратив облигациялари чиқарилиши ва жойлаштирилишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тақдимот "Carthill asset management company" шўъба корхонаси ва "A&TM" компанияси билан биргаликда ташкил этилди.

## Облигациялар тақдимоти

Олмалиқ кон-металлургия комбинати облигациялари эмиссияси Халқаро эмиссия синдикати доирасида амалга оширилган еттинчи лойиҳа бўлиб, эмитентга капиталнинг ички бозоридан облигация займи воситасида катта суммадаги - 2 миллиард сўм миқдоридаги қўшимча инвестицияларни жалб қилиш имконини берган биринчи лойиҳадир. Унинг айланиш муддати 24 ой бўлиб, йиллик даромад ставкаси 29 фоиз этиб белгиланган.

"Ўзприватбанк" облигацияларни чиқаришнинг бош андеррайтери вазифасини комбинат облигациялари эмиссиясининг катта қисмини бирламчи жойлаштириш ва даромадликни таъминлаш мақсадида ўз зиммасига олган. Шунингдек, унга "Ўзбекинвест сармоялари" инвестициявий компанияси ва мамлакатимизнинг кўпгина тижорат банклари шерик бўлган.

**Ж. РАУПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ватан ҳимоячилари куни олдидан

# Ватанга садоқат тарбияси

Мамлакатимизда оммавий-ватанпарварлик ойлиги бошланди. Қуролли Кучларимизнинг 11 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган ушбу ойлик келгуси йил 14 январгача давом этади. Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши мазкур тадбирни Мудофаа ва Халқ таълими вазирликлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи ва Хотин-қизлар қўмиталари, Бош прокуратура, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, "Маҳалла", "Нуроний", "Шаҳидлар хотираси" жамғармалари билан ҳамкорликда ташкил этди.

— Ойликни ўтказишдан асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ғояларини фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, Қуролли Кучларимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашишни янада яхшилашдан иборат, — дейди "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши раисининг ўринбосари Б.Рўзиев. — Ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини намунали йўлга қўйиш, болалар ва ўсмирларни спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турлари билан шуғулланишга фаол жалб этиш ҳам ойлик давомида ташкилотимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ойлик дастурига кўра мамлакатимизда кўплаб оммавий-ватанпарварлик тадбирларини ўтказиш мўлжалланган. Хусусан, жойлардаги ҳокимликлар ва манфаатдор ташкилотлар, Қуролли Кучларнинг вакиллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ота-оналар армиямиз қисмларида бўлиб, ёшларнинг ҳарбий хизмат вақтидаги ҳаёти ва жанговар фаолияти билан яқиндан танишади.

Ҳарбий хизматчилар билан турли учрашув ва суҳбатлар ўтказиш, таниқли санъаткорларнинг чиқишларини уюштириш ҳам кўзда тутилган. Қишлоқ, маҳалла, овулларда ва билим юртларида "Маънавият сабоқлари", "Ватан остонадан бошланади", "Жасур аскар бўлай десангиз" мавзуларига ёшлар билан бўладиган учрашув ва давра суҳбатларида асосий эътибор қаратилади. Маънавият масканларига ёшлардан иборат сайёҳлар гуруҳлари ташкил этилади.

Ойлик дастурига мувофиқ фуқаролар йиғинларидаги бошланғич ташкилотларда "Ёш посбон", "Ёш аскар" каби тўгараклар ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш давом эттирилади. Чегара ҳудудларида эса Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ва бошқа дахлдор ташкилотлар кўмагида "Ёш чегарачи" ватанпарварлик клублари тузилиб, уларга ўсмир-ёшларни фаол жалб этиш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, оммавий-ватанпарварлик ойлиги ёшларни мустақил Ватанимиз, унинг шавкатли Қуролли Кучларига меҳр-муҳаббат ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Аграр соҳа:
# НАТИЖА, ХУЛОСА, ТАКЛИФ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишлаб чиқариш йилига 4,4 фоизга ўсди, агар ушбу кўрсаткични 1991 йил билан таққослайдиган бўлсак, у 106 фоиз ошганлиги маълум бўлади. Лекин тармоқда ислоҳотларни яна чуқурлаштириш, мавжуд муаммоларни ечишни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Масалан, соҳадаги моддий-техника таъминоти ва унга агросервис хизмати кўрсатишнинг аҳволи шу куннинг талабига жавоб бермайди. Тўғриси, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг бориши унга бевосита хизмат кўрсатаётган соҳалардан бирмунча олдинда. Мазкур тармоқларда бозор талаблари жуда секинлик билан амалга оширилаяпти.

Маҳаллий бошқарув органларининг қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятларига ноқонуний аралашиш ҳоллари давом этаяпти. Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган маҳсулотларга берилаётган аванс маблағларидан фойдаланишда хўжаликларнинг иқтисодий мустақиллиги етарли даражада эмас. Шунингдек, соҳада, айниқса, хомашёни қайта ишлашда тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш суст амалга оширилаяпти. Натижада сабзавот-мева ва полиз маҳсулотларининг 35-40 фоизи нобуд бўлиб, уни етиштирувчи хўжаликлар катта зарар кўрмоқда.

Конференция иштирокчилари қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – амалда

# Танловга марҳамат!

"Устоз" республика жамғармаси 2003 йилда хорижий мамлакатларнинг етакчи ўқув марказларида қайта тайёрлаш, малака ошириш ва тажриба алмашиш дастурларида иштирок этиш учун грантга эга бўлиш бўйича навбатдаги — учинчи танловни эълон қилди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг устувор, яъни геодезия, картография, ахборот технологиялари, коммуникация тармоқлари, маркетинг хизматлари ва менежмент, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш механизацияси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, нозик кимёвий технология, газ ва нефтни қайта ишлаш технологияси, электр энергияси, қора ва рангли металлургия каби йўналишлар бўйича ихтисосга эга ўқитувчилар, аспирантлар ва докторантлар мазкур грант соҳиблари бўлиши мумкин.

Жамғарма дирекциясидан ЎзА мухбирига берилган хабарга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Устоз" республика жамғармаси фаолиятини таъминлаш тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш доирасида ўтган давр мобайнида бу каби дастурлар иштирокчиларининг сони 300 нафарга етди. Мазкур ҳужжат таълим муассасалари профессор ва ўқитувчиларидан юқори малакали кадрларни тайёрлаш, уларнинг ривожланган демократик хорижий давлатлар ижобий таълим тажрибаларини ўрганишини қўллаб-қувватлаш, янги педагогик технологиялар билан таништириш, чет элларда малакасини ошириш мақсадида қабул қилинган.

Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши давом этаётгани натижасида таълим соҳасида кўплаб ижобий ўзгаришлар содир бўлаётир. Бу борада албатта, педагогларнинг роли катта. Мана шунинг учун грантни қўлга киритиш талабгорлари пухта саралаш имтиҳонларидан ўтказилади.

Ҳужжатлар жорий йилнинг 31 декабригача қабул қилинади. Танлов эса келаси йилнинг 1 февралидан 20 мартигача бўлиб ўтади.

**Э. ХОЛИҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Тарбия — таълимнинг асосий бўғини

Демократик қадриятларни қарор топтириш, мустақилликни мустаҳкамлаш ва сақлаш, мамлакатда тинчлик ва осойишталик, ҳудудий яхлитлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш — бу вазифаларни ҳал этиш келгусида ҳозирги ёшларнинг зиммасига тушади. Шу сабабли ёш авлодни, биринчи навбатда унинг пешқадамлари — талабаларни ғоявий мустаҳкам, мустақиллик ғояларига содиқ қилиб тарбиялаш бугунги кунда бутун жамиятимиз учун энг муҳим ишдир. Тошкент Давлат техника университетида бошланган "Олий таълим тизимида кураторлик институти ва уни такомиллаштириш вазифалари" мавзуидаги республика илмий-назарий ва амалий конференцияси шу масалага бағишланди. У Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Конференцияда талабаларда ватанпарварлик, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мақсад ва вазифаларини аниқ англаш, миллий мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат, ростгўйлик, интизом каби сифатларни шакллантириш тарбиявий ишда устувор йўналиш бўлиши кераклиги тўғрисида гапирилди. Ўқитувчи-кураторлар фаолияти мураккаб ва масъулиятли иш, у одоб, ёшлар психологияси хусусиятларини билишни талаб этади. Унинг асоси ҳар бир ўқувчига алоҳида ёндашув, уларнинг қизиқишлари доирасини, яшаш шароитларини, шахсий қирралари ва ахлоқий сифатларини аниқлашдир.

Бу олий ўқув юртларида кураторлик мавзусига бағишланган биринчи республика конференциясидир. Унинг қатнашчилари қайд этганидек, мураббий барча тарбияланувчилар учун ахлоқий ўрнак бўлиши, ўз маданий ва касбий даражасини мунтазам ошириб бориши лозим.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## Журналистлар клуби

Намангандаги "Ҳамкор" мунозара клуби ўз сафида Фарғона водийсидаги учта вилоят оммавий ахборот воситалари ходимларини жамлаган. Клубда матбуот ривожи, журналистларнинг профессионал маҳоратини оширишга кўмаклашадиган ижодий учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилади.

Клубнинг навбатдаги мажлисида журналистлар вилоятда матбуотни демократлаштириш жараёнини муҳокама этиб, Президентимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида белгилаб берилган тўртинчи устувор вазифа ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Келгуси йилда ҳам туркум семинарлар ўтказиш режалаштирилган. Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг муҳим жиҳатлари оммавий ахборот воситалари фаолияти нуқтаи назаридан муҳокама этилади. Экология, демография, тадбиркорлик масалалари юзасидан ўтказиладиган мунозараларда таниқли сиёсатчи, олим, ёзувчи ва журналистлар иштирок этади.

**Илҳом РАЗЗОҚОВ,**
**ЎзА мухбири.**



## Навоийлик зиёкорлар

Қишнинг қировли кунларида ҳаётимизни иссиқлик-энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни яхши ҳис этган Навоий иссиқлик-электр ишлаб чиқариш жамоаси, нафақат вилоятнинг, балки Самарқанд, Қарши ва Бухоро вилоятлари халқ хўжаликларидаги ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам сифатли хизмат кўрсатмоқда. Айниқса, навоийлик зиёкорларнинг бундай беминнат хизматидан аҳоли мамнун. Тобора яқинлашиб келаётган Янги йил байрами арафасида эса нурчилар жамоасида иш қизғин паллага кирди. Сабаби, уларнинг зиммасида аҳолини узлуксиз электр энергия ва иссиқлик билан таъминлашдек улкан вазифа турибди.



**СУРАТЛАРДА:** *Навоий ИЭСнинг умумий кўриниши; марказий бош пульт навбатчиси Марҳабо Умурзоқова иш устида.*

**С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ПСИХОЛОГИЯСИ
## у аслида қандай?

Алоҳида олинган ҳар бир тарихий давр, ижтимоий-иқтисодий тузум аҳоли психологиясида ўзига хос ва давр руҳига мос хусусиятларни шакллантириши аниқ. Шу маънода буюк истиқлолимиз, озод ва ҳур замонамиз бизга раво кўрган эркин фуқаролик жамияти ҳам ўзига хос хислат, фазилатларга эга бўлади. Мен бу жамият, унинг ривожланиш тамойиллари ҳақида фикрлар эканман, унинг таърифини жуда содда қилиб келтиргим, сўнгра эса унда яшайдиган инсонлар феъл-атворларини тасаввур қилгим келади.

Энг аввало, бу жамият — сизу бизнинг, ҳар биримизнинг жамиятимиз. У бизга эркин яшаш, мустақил фикрлаш, ўз хатти-ҳаракатларимиздан доимо манфаатдор бўлишга имкон берувчи жамиятдир. Бу жамият фарзандига меҳр бериб, меҳрли фарзанд тарбиялай оладиган оналар, аёлини муҳтарам билиб, унга ҳамиша мурувват қилувчи эркаклар, ота-онасини, кексаларини умрининг охирги дақиқаларигача мўътабар билгувчи фарзандлар, ходимида лидерлик қобилиятларининг намоён бўлишига ўзи имкон яратувчи раҳбарлар, қонунларни, жамият нормаларини муқаддас биладиганлар жамиятидир. Хўш, фуқаролик жамияти психологияси ўзи қандай?

Масалан, фарзанд дунёга келгач, ҳаётининг дастлабки даврларида (чақалоқлик даврлари) ўзини ўзгалардан айри билмайди. "Биз" психологияси билан яшайди. Гапира бошлагач, лексиконида "мен" сўзи пайдо бўлиши билан шахсий автономия бошланади. Масалан, қизалоқ онасига қараб, ўзининг аёллар тоифасига мансуб эканлигини, ўғил отасига қараб, ўзининг кучли жинс вакили эканлигини англай бошлайди. Бу жараён бир неча йиллар давом этиб, ўсмирликнинг дастлабки даврларида ана шу "менлик, ўзлик" нуқтаи назаридан ўзгаларга эътибор бериш кучаяди. Бунда у энди айнан ўзи билан тенгдош, фикрдош, манфаатдошлар жамиятини излаб қолади. Унинг шахс сифатидаги кейинги такомили ана шу жамоанинг, тенгдошлар гуруҳининг қанчалик унга яқинлиги, мақсад-маслаклар нуқтаи назаридан қабул қилишига боғлиқ бўлади.

Фуқаролик жамияти шаклланиши асосларида ҳам айни шу қонуниятга яқин нарса ётади. Ҳар бир фуқаро ўзини, миллий тилини, оиласини, ундаги қадриятлари, ўраб турган атроф муҳитни билгани сари уни қадрлай бошлайди. Шахсий манфаатдорликнинг ижтимоий манфаатдорлик билан уйғунлашуви ўзликнинг миллий ўзликка боғланиши тарзида кечади. Миллий ўзликни англаш, унга алоқадор қадриятларни билиш конкрет шарт-шароитларда — оилада, маҳаллада, боғчада, мактаб, коллежлицей, олий ўқув юрти ва меҳнат жамоаларида рўй беради. Лекин айни шу фуқаролик жамияти нормаларини эгаллаш, уларнинг ўз манфаатларига монанд эканлигини англатиш ўз-ўзидан кечмайди.

Кундалик ҳаётимизда, кўча-кўйда, оилада, маҳаллалардаги турли тадбирларда бир-биримиз билан мулоқот қилиш мобайнида билиб-билмай ёки атайлаб ён-атрофимиздагиларга маълумот берамиз, нимадир ўргатамиз, ўрганамиз, насиҳат қиламиз ва ҳоказо. Бу каби ташвиқотлар табиий бўлиб, у одамлар ўртасидаги муомаланинг муҳим қисмини ташкил этади. Шу тариқа, масалан, оилада мулозаматни, такаллуфни, меҳрибонликни, иш-юмушларни тўғри бажариш, инсоф-диёнат каби тушунчаларни, иш ёки ўқишда ёқтирмаган-ёқтирган турли тоифали одамлар билан муомалани, қисқаси — инсоний муомалага оид қадриятларни ўзлаштирамиз. Маҳалла-кўйда, тўй-ҳашамларда ўзни қандай тутиш, турли ёшли инсонлар билан ёшига, жинсига монанд гаплашиш малакаларини онг ва шууримизга сингдириб борамиз. Бир-биримизда, айниқса, болаларимиз, яқинларимизда, замондошларимизда у ёки бу сифатларни шакллантиришга йўналтирилган саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир воситаси борки, унинг номини **тарғибот-ташвиқот** деб атаймиз. Одатда бу ишга **махсус** тарзда тайёрланамиз. Тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш учун турли маданият ва маърифат масканларида махсус шароит яратамиз.

Олимлар фикрича, кўплаб давлатлар демократия нималигини, унинг имтиёз ва имкониятларини англаганлари сари, тарғибот ва ташвиқот ишларига эътиборни кучайтирган экан. Америкалик олим Аронсоннинг фикрича, "Тарғиботлар даврида демократиянинг яшовчанлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири — бу коммуникаторлар, яъни фикрларни бошқаларга етказувчилар бўлиб, улар электоратнинг маълумотлилиги ҳамда кўп нарсани билишини инобатга олиб, ўз ғояларини аниқ ва равон тилда, ҳаққўйлик шиори остида етказсаларгина, айтилган ҳар бир сўз, ғоя таъсирчан бўлади". Демак, эркин демократик жамиятда яшаш, фуқаролик нормаларини ўзлаштиришга ўрганиш мумкин экан. Бу ўринда бир томонда ўргатувчи, таъсир кўрсатувчи, тажрибали одамлар турса, иккинчи томонда ўрганувчи, таъсирланувчи, тажриба тўпловчи шахслар туради.

Адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатадики, бу масалага қадим Юнонистонда ҳам катта эътибор берилган. Масалан, Аристотель ўзининг "Риторика" асарида устози Платоннинг ва софистларнинг таъсир кўрсатиш маҳорати хусусидаги фикрларини баён этган. Таъсир кўрсатиш, унинг ибораси билан айтганда, "Эътиқодни шакллантиришнинг асл мақсади — ўз нуқтаи назари ёки муносабатини аниқ билдира олишдир". Софистлар эътиқодни фақат у ёки бу турдаги маълумотларга эга бўлиш ва уни баён этиш орқали исботлаш билан боғласалар, Аристотель маълумотларга ёки билимга эга бўлиш билан эътиқодли бўлишнинг фарқини кўрсатиб, билимларга мантиқ ва ақл орқали ҳам эришиш мумкин, дейди. Лекин ҳар ким ҳам осонликча билимларга эга бўла олмайди. Шундайлар борки, уларга бирор нарсани уқтириш ёки етказиш учун, тингловчилар тўғри хулосаларга келишлари учун, албатта, уларнинг эътиқодига таъсир кўрсатиш лозим.

Биз бу ўринда нима учун таъсир кўрсатиш, эътиқод ва билимлилик масаласини тарғибот-ташвиқот билан боғлаётганлигимизга яна бир изоҳ бермоқчимиз. Эркин фуқаро ўз фикрига, ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, улар ёрдамида ўзи учун ҳам, ўзгалар учун ҳам манфаатли солиҳ амаллар қила олиши керак. Лекин бунинг учун унга билим, ўзи тушунган, англаган маълумотлар мажмуи зарур. Бу табиий ёки махсус тарғибот-ташвиқот орқали амалга оширилади. Шунинг учун ҳам файласуф ташвиқот ёки тарғибот орқали ўзгаларга билим етказиш билан эътиқодни шакллантириш осон иш эмаслигини уқтирган. Зеро, кўпгина билимларга, маълумотларга эга бўлган киши уларни соғлом эътиқод тарбияси йўлида самарали ишлата олмаслиги мумкин. Ёки туғма, гапга чечан, эҳтиросли шахс нодон бўлиши ва бу чечанлик одамлар билан муомалада, уларни бирор ҳаракатларга даъват этишда фойдадан кўра зарар ҳам етказиб қўйиши мумкин. Римлик адвокат Цицерондан "Сўз ила таъсир кўрсатиш зиён келтириб қўймасмикин?" деб сўрашганда, у шундай жавоб берган экан: "Донишмандлик нотиқликсиз бўлса, у давлатга (яъни, ***жамиятга ҳам*** — таъкидлов бизники) кам фойда келтиради, лекин нотиқлик донишмандликсиз бўлса, кўпроқ зиён етказса етказадики, ҳеч қачон фойда келтирмайди".

Биз бу билан нима демоқчимиз? Одам жуда ақлли бўлиши, кўп билимга эга бўлиши мумкин. Унга Оллоҳдан билган нарсасини чиройли нотиқлик билан етказиш санъати берилмаган бўлса ҳам ундан жамиятга маълум маънода наф тегаверади, чунки у ҳеч бўлмаганда ўз ижодхонасида ижод қилар, фарзандини солиҳ амалларга ўргатар, дўстлар даврасида яхши, ўринли, маънили гапларни қўллаб-қувватлаб турар. Бундан ўзгалар азият чекмайди. Лекин одам сўзга чечан ва яхши нотиқ бўла туриб, илми саёз, нодон бўлса, ундан жамиятга зиён тегади. Бунга ҳаётда мисоллар кўп. Масалан, Ғарбда ўз вақтида шов-шувга сабаб бўлган мунизм оқимининг тарафдорлари одамлардаги арзимаган нарсаларга ҳам шайдо бўлиб, чиройли чақириқларга маҳлиё бўлишга мойилликларини инобатга олиб, айрим тоифали одамларнинг, айниқса, ҳали онги тўла шаклланмаган ёшларнинг ҳамда аёлларнинг соддалиги, ишонувчанлигига таяниб, махсус нотиқлик мактабидан ўтган тарафдорлари билан минглаб ёшларни ақидапарастликка, ўзлари мансуб бўлган секталарга аъзо бўлишга чорлаганлар. Ёки диний ақидапарастлар, ваҳҳобизм тарафдорларининг жамият тараққиётига зид ғояларни тарғиб этишлари ҳам "донишмандликсиз амалга оширилаётган воизлик"дан бошқа нарса эмас.

Шундай қилиб, инсоният тараққиёти, жамият ривожи маълум нормалар, ахлоқий тамойиллар заминида ривож топади. Инсон ва жамият ўзи учун норма деб эътироф этган барча ахлоқий тамойиллар энг аввало ҳар бир фуқаронинг эмин-эркин яшаши, ижод қилиши, ўз меҳнатидан самара олиб яшашини таъминлайди. Демак, алоҳида шахс шу жамият аъзоси экан, фақатгина ўзини ўйламай, ўзгаларни ҳам, уларнинг истак-тилакларини инобатга олиб яшаши шарт экан. Қолаверса, ўз вақтида Кант уқтирганидай, *ўзингга тиламаган нарсани ўзгаларга ҳам тиламаслик, аксинча, сенга нисбатан хайрихоҳ бўлишларини хоҳласанг, сен ҳам уларга самимий муносабатда бўлишинг лозимлиги* ғояси демократик, фуқаролик жамиятидаги инсоний муносабатларнинг тамал тошларидандир.

Фуқаролик жамиятида энг аввало одамийлик хислатлари устувор бўлади. Ҳикматларнинг бирида шундай дейилган: "Иззат тиласанг иффатли бўл, улуғлик тиласанг мулойим бўл, зафар тиласанг адолат йўлини тут, қадр тиласанг ростгўй бўл, нажот тиласанг сабр қил, илм ўрганмоқчи бўлсанг жидду жаҳд қил". Бу улуғ фазилатлар инсондан энг аввало маърифатли, эътиқодли ва собит иймонли бўлишни талаб қилади. Яъни, эркин жамият аъзолари энг аввало маърифатли, маънавиятли, собит эътиқодли, жамият нормаларига нисбатан чуқур ҳурматли инсонлар бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам эркин фуқаролар жамияти ўз аҳли учун хатти-ҳаракат тамойилларини, масалан, қонунлар, Қомусий нормалар, шариат нормаларини ишлаб чиқади, уларнинг амалдаги назоратини ўша жамиятнинг ўзи назорат қилади.

Яна шуни эътироф этиш жоизки, қонунчилик ва адолат устувор бўлган жамиятда амалдаги қонунларнинг мукаммал ва пухта бўлиши, уларнинг ўзгарувчан вазиятларга нисбатан бардошлилиги катта аҳамият касб этиб, бу фуқаролик тарбияси учун жуда қулайдир. Чунки бир авлод манфаатига тўғри келган қонун ва нормалар кейинги авлод томонидан автоматик тарзда ҳам қабул қилиниши мумкин. Демак, сиёсий тизимнинг легитим ва барқарор бўлиши, қонунларимизнинг мукаммаллиги фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги муҳим маънавий ҳамда қонуний омилдир.

Шу ўринда фуқаролик жамияти қуришнинг дастлабки сиёсий институти ролини ўйнайдиган **оила** хусусида қисқача фикр. Чунки оилада жамиятга хос бўлган типик хусусиятлар ва вазиятлар ўз инъикосини топади. Оилада ҳар бир болага қадриятлар тизими — нима яхши-ю нима ёмонлиги, қайси хатти-ҳаракат маъқул, қайсиниси номаъқул, қайси фикр маънилию, қайси бири бемаъни эканлиги тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар ота-она, яқин қариндош уруғ, қўни-қўшни орқали сингдирилади. Бундан ташқари, айнан оилада ҳокимият ва обрўлилик — авторитет тўғрисидаги, сиёсий онгга алоқадор бўлган, сиёсий маданият ва хулқни ифодаловчи тасаввурлар ҳам куртак топади. Бир қарашда оддий туюлган эр ва хотиннинг никоҳга бўлган муносабати, уни қадрлаши бола илк ёшликдан оилани, оиладаги бурч ва масъулиятнинг моҳиятини теран тушуниб боришига имкон беради. Бундан ташқари, умумхалқ референдумлари, сайловлар, сайловолди жараёнларига муносабат, бунда ота-онанинг фаол ва онгли иштироки фарзанди учун ўзига хос сиёсий мактабдир. Шуни тушунган ота ёки она сиёсий тадбирларда фарзанди билан байрамона кайфиятда иштирок этишининг ўзи илк ёшликдан мурғак қалбда шу жамият ва ундаги сиёсий ҳаётнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси бўлиши мумкинлиги ҳиссини тарбиялайди. У интиқлик билан катта бўлишни, шундай қутлуғ тадбирларда иштирок этишни кутади. Ёки бўлмаса, баъзи оилаларда токчаларнинг юқори қисмига авайлаб олиб қўйилган Қуръони-Карим китобини кўрамиз. Бу яхши, албатта. Муқаддас Ислом динимизнинг қадрият сифатида эъзозланиши, шариатимиз қоидаларига бўйсуниш жоизлиги, уларни авлоддан авлодга етказиш каби тушунчаларнинг оила аъзоларида пайдо бўлишида бу нарса ижобий роль ўйнайди. Ҳоҳлардикки, айни шундай тарзда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳам ҳар бир оилада, китоб жавонларининг тўрида сақланса, вақти-вақти билан болалар кўз ўнгида ота-оналар уни мутолаа қилиб, маъносини тушунтириб боришса, жамиятимиздаги қонунларга ҳурмат ёшлар онгига илк ёшликдан сингдирилган бўларди. Қисқаси, оила жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий ислоҳотларнинг маъно-моҳияти, фуқаро учун аҳамиятини оила аъзолари онгига бевосита сингдирадиган муқаддас даргоҳдир.

Инсон туғилибдики, оила муҳитига тушганлиги, унинг иссиқ бир маскан эканлигини ҳис қилгани каби, у орқали жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётини ҳам бир табиий ҳолдай ҳис қилиши лозим. Зеро, фуқаролик жамиятида инсон мамлакатнинг сиёсий ҳаётида атайлаб, сунъий тарзда қатнашиш истагини билдирмайди, у шу жамият ҳаётида фаол яшаб, ҳар бир ҳаракати, жамият тараққиёти ва оиласи манфаатларини кўзлаб, онгли тарзда ўзи мустақил сиёсат қилади, яъни, у шу сиёсий ва ижтимоий ҳаётда, қонунлар билан кафолатланган ҳаётда эркин яшайди.

Жамиятнинг манфаатлари кенг қамровли бўлиб, у ҳар бир фуқаронинг турфа қизиқишлари, эҳтиёжларидан келиб чиқади. Бу ҳолат унинг ҳақ-ҳуқуқлари кўплигини келтириб чиқаради. Буни биз бугунги кунда битта мисолда яққол кўриб турибмиз. Маҳаллаларга эътибор кучайиб, ўз-ўзини бошқарувчи ташкилот сифатида ҳақ-ҳуқуқлари ортиб борган сари, "ҳамма иш маҳаллага юкланиб қолди-да", "маҳалланинг иши кўп экан-да" каби сўзларни эшитадиган бўлиб қолдик. Сабаби — жамият манфаатлари билан ҳар бир алоҳида олинган фуқаролар ва улар оиласи манфаатлари кесишган жой — бу маҳалладир. Унда ўша қизиқиш ва эҳтиёжлардан тортиб, ҳар бир оиланинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари уйғунлашади. Шу боис ҳам барча муаммо ва уларнинг ечимлари калити маҳалладан изланади. Президентимизнинг маҳалла — ҳақиқий демократия дарсхонасидир, деган пурҳикмат ибораларининг асл маъноси ҳам шунда. Ўзини ўзи бошқришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари, демократик анъаналари, оилани мустаҳкамлаш борасидаги ўлмас қадриятлари билан эркин фуқаро тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Демак, Ўзбекистон шароитида фуқаролар бу — маҳалла аҳолисидир. Улардан иборат жамиятни шакллантириш ва ривожлантиришнинг тамал тошида энг аввало **одиллик** ётиши лозимлиги фикри биз учун айни ҳақиқат. Зеро, одиллик ва ҳақиқат йўқ ерда виждон, имон ва эътиқод сўнади. Шу маънода фуқаролик онги, соғлом эътиқод ва маърифат тарбиясида оила билан бир қаторда маҳалланинг ҳам ўз ўрни ва нуфузи бор.

Халқимиз учун фуқаролик жамияти қуриш қанчалик шарафли ва масъулиятли иш бўлса, унга мос инсонларни тарбиялаш иши янада муҳим ва мураккабдир. Лекин бу жамиятда яшайдиганлар ҳам, уни қурадиганлар ҳам оддий инсонлар, ҳар биримиз бўлганимиз учун ҳам биз бугунги жамият аъзосининг маънавий қиёфаси, дунёқараши, эътиқодлилиги ва ундан келиб чиқадиган ахлоқий фазилатларига эътиборни қаратдик. Зеро, Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ IX сессиясида Юртбошимиз таъкидлаганидек, "Чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади". Ислоҳотларнинг самараси ва улардан ҳар биримиз оладиган манфаатлар ушбу сўзларнинг моҳиятини нафақат тушуниш, балки уларга онгли фаолиятимизда амал қилишимизга боғлиқдир.

**Васила КАРИМОВА,**
**республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор.**

